VI. КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб–қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар 2019 йилнинг 1 апрель ҳолатига 1 309 та кичик бизнес субъектларини (дехқон ва фермер хўжаликларисиз) ташкил этиш имконини берди. (2018 йилнинг шу даврига нисбатан 2,0 мартага кўпдир).

Янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сонининг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

2019 йилнинг 1 апрел ҳолатига (жамига нисбатан фоизда)

(дехқон ва фермер хўжаликларисиз)



Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо (жами ташкил этилган субъектларнинг 40,8 фоизи), саноат тармоғида (20,1 фоиз), қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида соҳаси (13,8 фоиз) ва қурилишда (12,5 фоиз) ташкил этилган.

2019 йилнинг йилнинг январь-март ойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– 336,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 44,7 фоизи) ўзлаштирилди ва 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 107,7 фоизни ташкил қилди;

– 365,0 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 98,0 фоизи) бажарилди ва 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 123,8 фоизни ташкил қилди;

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 475,7 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 50,5 фоизини) ташкил қилди;

– 555,9 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилиб (вилоят жами хизматлар хажмининг 65,4 фоизи), 2018 йилнинг январь-мартига нисбатан ўсиш суръати 105,7 фоизни ташкил қилди;

– чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 90,9 фоизи ёки 995,3 млрд. сўми (ўсиш суръати 101,8 фоизни ташкил қилди) шакллантирилди;

– 15,3 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 64,8 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 80,2 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 97,5 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди;

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 101,4 фоизга (вилоят жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 101,1 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 102,7 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 102,7 фоизи) кўпайиши таъминланди;

2019 йилнинг январь-мартида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯҲМдаги улуши 74,0 фоизни, саноатда – 50,5 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 99,3 фоизни, қурилишда – 98,0 фоизни, экспортда – 64,8 фоизни ташкил қилган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши



Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши
(умумий ҳажмига нисбатан млрд. сўмда)

Жиззах вилояти бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Жиззах шахар (240,9 млрд.сўм), Шароф Рашидов тумани (37,6 млрд.сўм), Зомин тумани (23,5 млрд.сўм) ва Фориш тумани (33,4 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келади. Янгиобод туманида (6,7 млрд.сўм), Зарбдор туманида (10,0 млрд.сўм) ва Зафаробод (15,7 млрд.сўм) туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2019 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик бизнес)да
саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш хажми ва ўсиш суръати

2019 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати



Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Жиззах шаҳри (245,2 млрд.сўм), Шароф Рашидов (147,2 млрд.сўм), Зомин (122,7 млрд.сўм), Бахмал (87,7 млрд.сўм) ва Ғаллаорол (93,8 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2019 йил январь-мартида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати



Жиззах вилояти бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Жиззах шаҳрида (181,5 млрд.сўм), Шароф Рашидов (72,4 млрд.сўм), Ғаллаорол (55,2 млрд.сўм) ва Дўстлик (36,5 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

2019 йил январь-мартида кичик тадбиркорликнинг иқтисодий кўрсаткичлардаги ҳудудлар бўйича улуши, фоизда

	Саноат	*Қурилиш*	*Хизматлар*	*Қишлоқ хўжалиги*
Жиззах вилояти	**50,0**	**98,0**	**65,4**	**99,3**
шаҳар:				
Жиззах	57,0	96,1	38,9	99,2
туманлар:				
Арнасой	21,0	100,0	99,3	100,0
Бахмал	100,0	100,0	94,1	99,4
Ғаллаорол	100,0	100,0	99,0	100,0
Шароф Рашидов	100,0	100,0	98,9	100,0
Дўстлик	12,0	100,0	98,7	100,0
Зомин	100,0	100,0	93,0	97,4
Зарбдор	20,0	100,0	98,7	100,0
Зафаробод	20,0	100,0	98,5	100,0
Мирзачўл	100,0	89,0	98,8	100,0
Пахтакор	50,0	100,0	97,0	100,0
Фориш	100,0	100,0	99,4	98,9
Янгиобод	100,0	100,0	98,6	98,9

Жиззах вилояти бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Бахмал туманида (100 %), Ғаллаорол туманида (100 %), Шароф Рашидов туманида (100 %), Мирзачўл туманида (100 %), Фориш туманида (100 %) ва Янгиобод туманида (100 %) ташкил этади.

Қурилишда Арнасой (100 %), Бахмал (100 %), Ғаллаорол (100 %), Шароф Рашидов (100%), Дўстлик (100 %), Зомин (100 %), Зарбдор (100 %), Зафаробод (100 %), Пахтакор (100 %), Фориш (100 %) ва Янгиобод (100 %) туманлари ташкил этади.

Хизматлар соҳасида Арнасой (99,3 %), Ғаллаорол (99,0 %) ва Фориш (99,4 %) туманлари ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигида Жиззах шаҳри (99,2 %), Арнасой (100 %), Шароф Рашидов (100 %), Дўстлик (100 %), Зафаробод (100 %), Мирзачўл (100 %) ва Пахтакор (100%) туманлари ташкил этади.

2019 йилнинг январь-мартида кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 74,0 % ни ташкил қилди .